

**KHUDOYAR KHAN'S PLAN TO BUILD TEKKE IN THE CITY OF MECCA**

Guldona Mamanovna Tanieva

professor

Tashkent State Pedagogical University

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: guldona1970@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Khudayar khan, Tekke, Mecca, Medina, Jeddah, Orenburg, Hajj, Kokand.

Received: 31.12.23

Accepted: 02.01.24

Published: 04.01.24

Abstract: This article analyzes tekkes (khanakoh) and their Role in the pilgrimage to Mecca. The construction of tekkas in Holy cities and other large cities on the Roads to Mecca by rulers, major sheikhs and merchants was investigated. These issues are considered on the example of the actions of Khudoyar Khan, the former Khan of Kokand, to implement the plan for the construction of tekke in the city of Mecca.

The study of this issue helps to further study such issues as the role of Islam in social and economic life in Central Asia, social processes in the region, and its relations with other Muslim countries.

ХУДОЁРХОННИНГ МАККА ШАҲРИДА ТАККА БУНЁД ЭТИШ РЕЖАСИ

Гулдона Мамановна Таниева

профессор, т.ф.д.

Тошкент давлат педагогика университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: guldona1970@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Худаярхон, текке, Макка, Мадина, Жидда, Оренбург, Ҳаж, Қўқон.

Аннотация: Ушбу мақолада такке (ҳанакоҳ) ва уларнинг Макка зиёратигаги роли таҳлил қилинади. Ҳукмдорлар, йирик шайхлар ва савдогарлар томонидан муқаддас шаҳарлар ва бошқа йирик шаҳарларда Маккага олиб борувчи йўлларда такке қурилиши ўрганилди. Бу масалалар собиқ Қўқон хони Худоерхоннинг Макка шаҳрида такке қуриш режасини амалга ошириш

борасидаги ҳаракатлари мисолида кўриб чиқилади.

Бу масалани ўрганиш ислом динининг Марказий Осиё ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, минтақадаги ижтимоий жараёнлар, бошқа мусулмон давлатлари билан алоқалари каби масалаларни янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

ПЛАН ХУДОЯР ХАНА ПО ПОСТРОЙКЕ ТЕККЕ В ГОРОДЕ МЕККА

Гульдона Мамановна Таниева

профессор

Ташкентский государственный педагогический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: guldona1970@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Худаярхан, текке, Мекка, Медина, Джидда, Оренбург, Хадж, Коканд.

Аннотация: В данной статье анализируются такке (ханакох) и их роль в паломничестве в Мекку. Было исследовано строительство такке в священных городах и других крупных городах на дорогах в Мекку правителями, крупными шейхами и купцами. Эти вопросы рассматриваются на примере действий Худояр-хана, бывшего хана Коканда, по осуществлению плана строительства такке в городе Мекке.

Изучение данного вопроса способствует дальнейшему изучению таких вопросов, как роль ислама в общественной и экономической жизни Центральной Азии, социальные процессы в регионе, его отношения с другими мусульманскими странами.

КИРИШ

Ўрта Осиёдан Маккага қилинган ҳаж сафарлари узоқ муддатни талаб этган. Бу ҳолат зиёратчиларнинг сафар давомида тўхтаб дам олишлари учун меҳмонхона вазифасини ўтовчи биноларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Бу эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳукмдорлар, йирик шайхлар йирик шаҳарларда ҳаж зиёратчилари учун вақтинча тураржойлар – ҳожихона, такка, зовия ёки дарвишхоналар бунёд эттирган. Бу каби масканлар ҳаж зиёратчилари учун текинга хизмат қилган. Уни қурдириш ва унда тўхтаган зиёратчилар таъминоти учун маблағ ажратиш орқали катта саводга эришиш мақсад қилинган. Ўрта асрларда Ўрта Осиё йирик шаҳарларидан ташқари ҳаж йўлларида жойлашган Астрахань, Бомбай, Сурат, Дамашқ, Ҳалаб, Бағдод, Қоҳира, Бурса, Тарсус, Қуддус, Истанбул, Жидда, Макка, Медина каби шаҳарларда “Бухороликлар таккаси”, “Ўзбеклар таккаси” каби номлар билан юритилган кўплаб таккалар фаолият юритган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта осиелик шайхлар, ҳукмдорлар томонидан бу шаҳарлардаги таккаларда яшаб турган зиёратчиларнинг яшаши, озик-овқат, кийим-бош, от-улов, ем-ҳашак ва бошқа эҳтиёжлари учун ҳукмдорлар, сармоядорлар ва вақф мулклари ҳисобидан қопланган.

Қўқон хони Худоёрхон ҳам худди шу мақсадни кўзлаб ўз ҳисобидан маблағ ажратади. Хоннинг Макка ва Мадина шаҳарларида такка бунёд этиш масаласига доир маълумотлардан ўтмишда бу жараён қандай амалга оширилгани ҳақида билиб олиш мумкин бўлади. Исҳоқхон Жунайдуллохожи ўғли Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида келтирилган маълумотларга кўра, Қўқон хони Худоёрхон ҳажга кетаётган Абдурахмон офтобачига Макка ёки Мадина шаҳарларида такка кўриш учун кўмак бера оладиган инсофли, тадбирли, билимли, у ерларни нарх-навосини яхши биладиган бирор киши топиб олиб келишни илтимос қилган. Демак, муқаддас шаҳарларда яшовчи ишончли ва тадбиркор ҳамкор топиш талаб этилган. Аммо хорижда такка қурдирмоқчи бўлган айрим ҳукмдор ёки сармоядорлар маҳаллий бойлар орасидан ўзларига ишончли вакиллар ҳам танлаган.

Абдурахмон офтобачи Худоёрхоннинг илтимосига биноан Жидда шаҳридан Ҳожи Муҳаммад Содик Конибодомийни олиб келади. Бу шахс асли Конибодомдан бўлиб, Жидда шаҳрида муқим яшаб қолган марғилонлик, қўқонлик ва андижонлик савдогарларга бош бўлган. Унинг “Тошкент такаси муқобилинда баланд ошени ўрдаси бор эди”. Муҳаммад Содик Конибодомий Абдурахмон офтобачи билан бирга Худоёрхон ҳузурига Қўқонга келади. Аммо у жуда кичик жуссали киши бўлгани боисидан хон унга ишонч билдирмайди ва такка қуриш режаси ҳақида ҳам айтишни лозим топмайди. У Қўқонда қариндошлари билан дийдорлашиб, яна Жиддага қайтиб кетади.

Лекин тарихий маълумотлар Худоёрхоннинг кейин ҳам такка бунёд этиш мақсадидан кечмаганини кўрсатади. Манбада ёзилишча, Худоёрхон иккинчи марта такка қуриш ишига киришиб, маҳаллий бойлардан савдогар Иброҳимжон бойга хон ишонч билдиради. Иброҳимжон бой Россияга қатнайдиган савдогарлардан бўлгани учун хон унга 2 минг тилло бериб, бу маблағни дастлаб савдога тикиш, уни икки ҳисса қилиб, Маккада такка қуриш учун сарфлаш топшириғини беради. Демак, халқаро миқёсда савдо билан шуғулланувчи бой савдогарлар ҳам баъзан такка қурилиши масаласида воситачи вакил вазифасини бажарган.

Худоёрхоннинг такка қурдириши билан боғлиқ кейинги жараёнлар шуни кўрсатадики, айрим вақтларда такка қуриш учун танланган вакиллар доим ҳам унга билдирилган ишончни оқламаган. Манбада ёзилишча, Худоёрхондан 2 минг тилла олган Иброҳимжон бой бу пулларни савдога ва ўз шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади.

Худоёрхон тахтдан ағдарилгач, 1875 йилнинг августида Худоёрхон Россия императорининг буйруғига биноан Оренбургга жўнатилади. У Оренбургда икки йилдан ортик

вақт туткин ҳолда ушлаб турилади. Шу вақтда у Иброҳимжон бойдан ўз пулларини қайтаришини сўрайди ва такка қурилишига ўзи киришини айтади. Аммо Иброҳимбой хондан пул олганини бўйнига олмайди ва тиллаларни қайтаришдан бош тортади. Шу тариқа ҳокимиятдан айрилган, мусофирликда яшаётган собиқ хон ўз ҳуқуқини, маблағини ҳам талаб қила олмайди.

Худоёрхон 1877 йилнинг 12 ноябрида Оренбургдан қочиб, Пешавор ва Ҳиндистон орқали Маккага жўнаб кетади ва 1878 йилдаги ҳаж маросимида қатнашади. Худоёрхон ҳаж сафари вақтида Макка шаҳрида такка қуриш иши билан боғлиқ масалага яна бир бор дуч келади. Бу марта ҳам хон тақдир тақазоси билан ўша кичик жуссали Муҳаммад Содик Конибодомийни учратади. Жиддада худди шу конибодомлик ҳожи ўз одамлари билан хонни ҳурмат билан кутиб олади. У хонга Абдурахмон офтобачидан унинг такка қуриш нияти борлиги ҳақида эшитгани ва шунинг учун Жиддада ер сотиб олганини айтади ва шу ерда такка қурилишини бошлаш таклифни айтади. Аммо манбада Худоёрхоннинг бу таклифни қабул қилган ёки қабул қилмагани ҳақида маълумот учрамайди. Бизнингча эса, тахтдан, мол-мулкдан ажралган ва ҳатто омонат берган катта миқдордаги пулларини қайтариб ололмаган собиқ ҳукмдор такка қуришга ҳам етарли маблағи бўлмаган. Чунки ҳажга йўл олган Худоёрхонга Ҳиндистонда Жидда томонга кетиши олдидан у ерда яшовчи асли Марғилон, Наманган, Ғуздор каби шаҳарлардан бўлган ҳожибошиларнинг ҳар бири минг рупиядан пул йиғиб беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёлик кўпгина ҳукмдорлар, йирик шайхлар ва сармоядор бойлар ўз маблағлари ҳисобига ҳаж йўлларида жойлашган йирик шаҳарларда ҳаж зиёратчилари учун текин яшаш жойлари – таккалар қурдирган. Катта савоб олиш ниятида бунёд этилган бу каби масканлар қурилиши айрим вақтларда ишончли вакиллар воситачилигида амалга оширилган. Бу иш учун ёлланган вакиллар доим ҳам буюртмачининг ишончини оқламаган.

Ушбу масаланинг тадқиқи Ўрта Осиёда ислом динининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги роли, минтақада кечган ижтимоий жараёнлар, унинг бошқа мусулмон давлатлар билан алоқалари каби масалаларни янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Таниева, Г. М. (2018). Вопросы безопасности в международных караванных дорогах Средней Азии. 1600-1850. Theoretical & Applied Science, (2), 209-214.
2. Mamanovna, T. G. (2020). The Issue Of The Central Asian Northern Pilgrimage Route In The Russian-Bukhara Diplomatic Relations In The XVIII Century (On The Example Of The

Activities Of Ambassador Ernazar Maqsud Oglu). The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(11), 99-104.

3. Таниева ГМ, Таджиев АГ. Марказий осиеда миниатюра санъати ва унинг тарихий тараққиёти. Взгляд в прошлое. 2021 Sep 15;4(8).

4. Tanieva, G. M. (2022). The Use Of Travel Permits By Central Asian Pilgrims In The XV-XIX Centuries. Journal of Positive School Psychology, 6(3), 1755-1764.

5. Таниева Г.М. Об использовании паломниками из Средней Азии паспортов и пропусков на территории Российской империи (XVIII–XIX вв.). Ислам в современном мире. 2023;19(2):101-112.

6. Tanieva, G. M., Zakhidova, S. A., & Khamidova, M. S. (2023). Economic Aspects of Pilgrimages of The People of Central Asia (1500-1860). Journal of Law and Sustainable Development, 11(12), e2522.

7. Ибрат Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли. Фарғона тарихи. – Б. 321.